

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР САРИ РИВОЖЛАНИШДА

Салимов Шерзод Бахтиёрвич

Тошкент давлат иқтисодийёт университети фалсафа доктори (PhD)

Тошкент, Ўзбекистон. sherzodsalimovb@gmail.com

Аннотация

Мухтарам Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида кўра тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастурининг мазмун – моҳияти, 7 та устувор йўналишларни ривожлантириш билан боғлиқ 100 та аниқ мақсадлар ва бу мақсадларга эришиш механизмлари ёритилган.

Калит сузлар: дастур, устувор йўналиш, тараққиёт стратегияси, мақсад, инсон капитали, тамойиллар, Қонун – устувор, қишлоқ хўжалиги, ривожланиш, ер ва сув ресурслари, таълим, тиббий соҳа.

Аннотация

В статье освещаются роль и значение Программы развития нового Узбекистана на 2022 -2026 годы, развитие 7 приоритетных направлений на основе 100 конкретных целей и механизмы достижение этих целей, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № 60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 – 2026годы»

Ключевые слова: программа, приоритетное направление, стратегия развития, цель, человеческий капитал, принципы, право-приоритет, сельское хозяйство, развитие, земельные и водные ресурсы, образование, медицинская сфера.

Abstract: The article highlights the role and significance of the Development Program of the new Uzbekistan for 2022-2026, the development of 7 priority areas based on 100 specific goals and the mechanisms for achieving these goals, approved by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. 60 “On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022 - 2026 ”

Key words: program, prioritization, development strategy, goal, human capital, principle, legal priority, agriculture, development, land and water resources, education, medical field.

Кириш

Ҳар қандай ҳаракат ва ривожланиш мақсадсиз бўлса, бундай ҳаракат ҳам, ривожланиш ҳам мазмунга эга бўлмайди. Мақсадсиз ҳаракатни океандаги рули бузилган елканли кеманинг ҳаракатига ўхшатишади, шамол қайси томонга эсса,

кема ҳам шу томонга сузади. Мақсаднинг аниқ қўйилиши унга эришишдаги ҳаракатлар, чора-тадбирларни аниқ ва мантиқий кетма-кетликда амалга оширишни таъминлайди.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида кўра тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастури жами 7 та устувор йўналиш ва 100 та аниқ мақсадни ўз ичига олган ва бу мақсадларга эришиш механизмлари ҳам дастурда аниқ кўрсатилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастуридаги йўналишлар ва стратегик ривожланиш мақсадлари:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш йўналиши бўйича 12 мақсад;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш - 8 мақсад;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш 16 мақсад;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш 34 мақсад;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш 8 мақсад;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш 10 мақсад;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш 12 мақсад.

Тараққиёт стратегиясининг марказида инсонни улуғлаш, инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ётади. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодиётнинг ривожланиши, пировардида, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига олиб келиши билан баҳоланади.

Турмуш фаровонлигини ошиши бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ошиши, уларнинг истеъмолини ошиши, таълим ва тиббиёт сифати ошиши билан белгиланади. Аҳолининг турмуш фаровонлигини билдирувчи агрегат кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади. ЯИМнинг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан қанча юқори бўлса, аҳолининг турмуш даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Иккинчи йирик кўрсаткич – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, бу кўрсаткичнинг ўсиши ҳам аҳолининг турмуш даражаси ошишига олиб келади. Яна бир муҳим кўрсаткич аҳолининг реал даромадлари ортишидир.

Тараққиёт стратегиясида келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ЯИМни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш масаласининг қўйилиши тараққиёт дастурининг инсонга, мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилганлигини яққол билдиради ва бу келажакда оилаларнинг бюджетини ошишига олиб келади. Аҳоли даромадининг ортиши унинг билим олиш, айниқса, ёшларнинг билим олиши, маънавий ўсиши, спорт билан шуғулланиши ва бошқа имкониятларини кенгайтиради, пировардида эса инсон капиталининг ривожланишига замин яратади.

Таҳлил ва натижалар

Тараққиёт дастурида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланиши Президентимиз томонидан белгилаб берилган муҳим тамойилларга асосланган. Амир Темур бобомиз ҳам ўша даврга мос бўлган давлатни бошқариш тузукларини (тамойилларини) ишлаб чиққан ва тузукларга асосланиб, катта давлат қурган, бошқарган, илм-фан, иқтисодиёт ва маданиятнинг ривожлантирган. Президентимиз белгилаб берган тамойиллар (тузуклар) ҳам давлатчиликни, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янги юқори поғонага кўтаришга олиб келишини дастурда қўйилган стратегик ривожланиш мақсадларидан аниқ куриш мумкин. Тараққиёт дастуридаги муҳим тамойиллар булар:

ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал қилиш тамойили. Ҳақиқатан ҳам, муаммо туғилган жойни ўзида уни ҳал қилиш бўйича қабул қилинган қарор самарали ҳисобланади. У тезкор бўлади, харажатларни камайтиради, фуқароларнинг сарсонгарчилиги олдини олади.

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш”, “Давлат – халқ хизматчиси” тамойили. “Биз халқимизни рози қилишимиз керак, халқимиз биздан рози бўлиши керак, давлат халқимизнинг муаммоларини ҳал этишга хизмат қилиши керак”, – деб муҳтарам Президентимиз ўзларининг чиқишларида бир неча бор таъкидлаб ўтган. Ҳозирги кунда халқ қабулхоналари юзлаб, минглаб аҳоли ва бизнес вакиллариининг муаммоларини ҳал қилиб келмоқда. Муаммоларнинг ҳал қилиниши – ривожланиш дегани. Аҳоли муаммоларининг ҳал қилиниши аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига олиб келса, бизнес муаммоларининг ҳал қилиниши эса иқтисодий ривожланишга олиб келади.

“Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили. Бу тамойил аҳоли ҳуқуқи, бизнес ҳуқуқи ва бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи хусусий мулкни ишончли муҳофаза қилишга қаратилган. Оилаларнинг тинч-тотув турмуш кечириши, оила аъзоларининг ишга, болаларнинг боғча, мактаб ва

олийгоҳларга хотиржам бориб келиши бебаҳо неъмат бўлиб, шу тамойилга асосланади.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга 16 та стратегик мақсад белгиланган. Бу соҳа мақсадлар сони бўйича иккинчи ўринда туради. Бу мақсадларда устувор соҳаларнинг ривожланишига катта эътибор берилган. Иқтисодиётда устувор соҳанинг ривожланиши бошқа кўп соҳаларнинг ривожланишига олиб келади, дейилади.

Биринчи устувор соҳа электр энергияси соҳаси ҳисобланади. Маълумки, электр энергиясиз ҳеч қайси соҳа ривожлана олмайди. Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг ривожланишини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш масаласига дастурда алоҳида эътибор берилган. Бу соҳадаги айрим стратегик мақсадларга тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат: 2026 йилга келиб, электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард кВт соатга ошириб, жами 100 миллиард кВт соатга етказиш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш, “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга жорий этиш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш. Бу аниқ мақсадлар ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда қўйилган стратегик ривожланиш масалаларини ечишни таъминлайди деб айтишимиз мумкин.

Иккинчи устувор соҳа қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Собиқ иттифок даврида 90 фоиз саноат корхоналари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Ҳозирги вақтда ҳам юзлаб озиқ-овқат саноати корхоналари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш орқали фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда, унинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. 2021 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонларнинг мамлакатимиз жами экспортидаги улуши 8,3 фоизни ташкил этган. Дастурда агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерга ажратиш, 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ва аҳолига очик танлов асосида узок муддатли ижарага бериш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни икки баравар кўпайтириш эвазига экспортни 1 миллиард АҚШ долларига ошириш каби стратегик мақсадлар қўйилган. Бу стратегик мақсадлар келгусида ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, ривожланиб бораётган қайта ишлаш саноатини хомашё билан

узлуксиз таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга олиб келади деб айтиш ўринли.

Яна бир устувор соҳа – саноатни ривожлантириш. Саноатнинг ривожланиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Саноатнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигини, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қолаверса, қолган барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишига туртки беради, аҳолини иш билан таъминлайди ва даромадини оширади. Саноатнинг янги технология ва инновациялар асосида ривожланиши унда банд бўлган ишчиларнинг техник билим савиясини оширади ва бу саноат тармоқларининг янада юксалишига замин яратади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши маълум даражада ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги билан белгиланади ва бу қишлоқ хўжалигининг ривожланиши интенсив йўлга ўтишини, унинг саноат асосига қўйилишини асосий мақсад қилиб қўймоқда. Хизматлар соҳаси ривожланиши эса кўп ҳолларда аҳоли даромадининг ортишига асосланади. Саноатнинг ривожланишида бундай чекловлар йўқ деса бўлади. Дастурда саноатнинг ривожланишига катта эътибор берилган ва унинг ривожланиши бўйича аниқ вазифалар белгиланган. 2026 йилга келиб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш стратегик мақсад қилиб қўйилган. Дастурда саноат тармоқларининг ривожланишини белгиловчи аниқ вазифалар ўз аксини топган. Хусусан, мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга кўпайтириш, 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос яратиш, кимё саноатида 2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш, автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш, қурилиш, тўқимачилик ва электротехника саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноати маҳсулотлари ҳажмини 3 бараварга кўпайтириш масалаларини саноатнинг стратегик ривожланишига қўйилган аниқ мақсадлар деб қараш мумкин.

Тараққиёт дастурида энг муҳим ва устувор ривожлантириладиган соҳа *адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш* соҳаси ҳисобланади. Бу соҳанинг ривожланиши 34 та стратегик мақсадни ўз ичига олади. Қўйилган стратегик мақсадлар бўйича бу соҳа биринчи ўринда туради.

Мамлакатнинг муҳим ривожланиш кўрсаткичлари ҳисобланган иқтисодиётнинг барқарорлиги, ҳар хил инқирозларга чидамлилиги (устойчивость) ва иқтисодий ўсишни белгиловчи базис омил инсон капиталини ривожлантиришнинг таркибий қисмлари бўлган – тарбиялаш, маданий ўсиш,

таълим ва унинг сифати, соғлиқни сақлаш, фан, аҳолининг турмуш даражасига қўйиладиган инвестиция ҳажми ҳисобланади.

Иқтисодийнинг ўсиш ва ривожланишининг бош драйвери бўлиб, инсон капитали ва унинг пировардида яратиладиган инновациялар ҳисобланади. Умуман олганда, инсон капитали ривожланиши мамлакат стратегик ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Ушбу IV соҳада стратегик ривожланиш нуқталари аниқ кўрсатиб ўтилган ва улар қуйидагилардан иборат:

- мактабгача таълимдаги қамров даражасини 67 фоиздан 80 фоизга етказиш;
- 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш;
- 7 мингдан зиёд янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш;
- нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг улушини 2026 йилда 8 фоизга ошириш;
- компьютер ва IT соҳасида 100 мингдан ортиқ бепул тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш;
- ўқитувчиларнинг ойлик маошини 1000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш;
- олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш;
- 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини 50 тага етказиш;
- “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қобилиятли ёшларни хорижий олийгоҳларга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, уларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига ўқитиш.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган Президент мактабларини ташкил қилиниши учунчи ренисансга ва жонажон Ўзбекистоннинг олтин келажаги учун қўйилган биринчи олтин ғишт десак муболаға бўлмайди. Президент мактабида ишловчи хорижий мутахассис телевиденида “Бундай мактабни ҳеч қаерда кўрган эмасман” деб гапирди. Бу гапни эшитган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқорасида фахрланиш туйғуси пайдо бўлади десак тўғри бўлади.

Ривожланиш нуқталари мамлакатимизда 2026 йилга келиб, инсон капиталининг ривожланганлик даражасини билдиради ва ундан кейинги йилларда мамлакатимизнинг ривожланишига мустаҳкам замин яратади. Ривожланиш нуқталарининг муҳимлиги ҳам шунда. Ривожланиш нуқталари бўйича қўйилган вазифаларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди, бу ишлар жуда катта маблағ эвазига амалга оширилишини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ҳар қандай давлатда жамиятни барқарор ривожланишини таъминловчи устувор соҳалар бўлган таълим ва тиббиётга катта эътибор бериб келади. Таълим ижтимоий, иқтисодий ва инновацион ривожланишнинг асосий омили бўлса, тиббиёт барча соҳаларда фаолият юритадиган ишчи ва мутахассислар, уларнинг оилалари соғлом бўлишини таъминлайди. Соғлом инсон маҳсулот ишлаб чиқаради, янгилик яратади. Тиббиёт соҳасини ривожланириш 16 стратегик мақсадни ўз ичига олган.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси дастурида қўйилган кенг миқёсли стратегик мақсадларга эришиш асосли эканлигини мамлакатимизнинг 2020-2021 йилларда эришган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан кўриш мумкин (1-жадвал). Шу йилларда ЯИМнинг ўсиши 7,4 фоиз, аҳоли жон бошига ўсиши 5,3 фоизни ташкил этган. ЯИМнинг ўсиш суръати доимий аҳолининг ўртача сони ўсиш суръатидан (2,0 фоиз) анча юқори эканлигини кўраимиз. Бу аҳолининг турмуш даражаси ўсганлигини ифодалайди. Худди шундай аҳоли жон бошига товарлар ишлаб чиқариш миқдорининг ўсиши (20,1 %), кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиши (26,3 %), саноат маҳсулотининг ўсиши (6,6 %) ҳам аҳолининг турмуш даражаси яхшиланганлигидан далолат беради. Фақат қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари миқдорининг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатига тенглигини кўраимиз. Бу ерда ўзгармас таъминотни кўриш мумкин.

1-жадвал

2020-2021 йилларда мамлакатимизнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2020 йил	2021 йил	2021 йил 2020 йилга нисбатан %да
Ялпи ички маҳсулот миқдори	млрд. сўм	602193,0	734587,7	107,4
Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот миқдори	минг сўм	19980,3	21039,3	105,3
Товарлар ишлаб чиқариш миқдори	трлн. сўм	342,0	418,9	122,5
Бозор хизматлари ҳажми	трлн. сўм	220,0	283,3	129,0

Саноат маҳсулоти	трлн. сўм	415,5	451,6	108,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти	трлн. сўм	305,6	317,8	104,0
Доимий аҳолининг ўртача сони	минг киши	34232,1	34915,1	102,0
Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми	минг сўм	6426,1	8114,0	126,3
Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ҳажми	минг сўм	12137,7	12934,2	106,6
Аҳоли жон бошига товарлар ишлаб чиқариш ҳажми	минг сўм	9990,6	11997,7	120,1
Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти	минг сўм	8927,3	9102,1	102,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил статистик материаллари асосида тайёрланди.

2021 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, аҳолининг умумий даромадлари 515,7 трлн. сўмни ташкил этган. Аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати ўтган 2020 йилга нисбатан олганда, 112,1 фоизни ташкил этган. Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиши 2021 йилда 109,9 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг ўсиши ҳам аҳолининг турмуш даражаси ўсганлигини ифодалайди.

Хулоса ва таклифлар

Умуман, хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизнинг 2020-2021 йиллардаги иқтисодий ўсиш суръатлари тараққиёт стратегияси дастурини амалга ошириш иқтисодий асосга эга эканлигидан далолат беради деб айтиш мумкин.

Тараққиёт стратегияси дастури кенг қамровли, кенг миқёсли ислохотларни ўз ичига олгани учун унинг аҳамиятини битта мақолада ёритиш қийин. Шу сабабли дастурнинг айрим жиҳатлари мақолада қаралди, холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мусахонзода, И. С. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>
2. Тулаев М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 52–60. https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137
3. Tulaev, M. (2019). Методы определения чистой прибыли и гармонизации международных и национальных аспектов финансовой отчетности. *Архив научных исследований*, 1(1). <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/326>
4. Musakhonzoda Ikromjon Sobirhon Ugli. (2022). Formation and development of the convergence process of two types of standards: IFRS and US GAAP. *Thematics Journal of Business*, (5), <http://thematicsjournals.in/index.php/tjbm/article/view/997>
5. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojq.net/index.php /journal/article/view/4494>
6. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Use of Imitation Innovations in Small Business Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 889–898. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/280>
7. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
8. Курбонов Муҳиддин Абдуллаевич. *Indian Journal of Economics and Business*. IMPACT OF TAXES ON THE BANK'S PROFIT Volume – 8; Issue - 3; Year – 2022; Page: 2553 – 2558 DOI: 10.22192/iajmr.2022.8.3.2 <http://www.ashwinanokha.com/IJEB.php>
9. Тулаев, М. С. (2019). Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.
10. Қличев, Б. П. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761>

11. Курбонов Муҳиддин Абдуллаевич. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. Vol. 30 Iss. 3 (2022) Page: 1284 – 1293

https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj/article/view/1284.html

12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. Journal of New Century Innovations, 6(1), 67–79.

<http://newjournal.org/index.php/new/article/view/996>

13. Urmanbekova, I. F. (2022). ELEKTR ENERGIYA KORXONALARIDA XARAJATLARNI BUXGALTERIYA HISOBI VA TAHLILI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 889-892.

14. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591

<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>

15. Farkhodovna, U. I. (2020). Improving Accounting of Expenditures at Producing Electrical Power. International Journal of Research in Social Sciences, 10(3), 148-153.

16. Imomkulov Tulkin Burhonovich, (2020). The Impact Of Foreign Direct Investment On Economic Growth In Uzbekistan. International Journal of Academic Accounting, Finance & Management Research(IJAAFMR) ISSN: 2643-976X, Vol. 4 Issue 10, 152-157

<http://ijeais.org/wp-content/uploads/2020/10/IJAAFMR201019.pdf>

17. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Science and Education, 3(5), 1719-1728.

<https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>

18. Vakhtiyorovich, S. S. (2021). Development of Small Business Activities with Imitation Innovations. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR)* ISSN, 2249(0892).

http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1_P7.pdf

19. Назарова Муслима Назаровна. (2022). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . Journal of New Century Innovations, 10(2), 48–54.

<http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>

20. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 73–80. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>

21. [Ф.Қ.Бобохўжаева, \(2022\). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жihatлари. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES, 2\(13\), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>](#)
22. [Фотима БОБОХЎЖАЕВА, \(2021\). Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим жihatлари. Biznes-Эксперт, 3 \(159\), 39-42.](#)
23. [Холдоров, С. \(2022\). МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНОВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Архив научных исследований, 2\(1\). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1003>](#)
24. [Toliboevich Absalamov, A., Odilovich Xudoyorov, O., & Umarovich Kholdorov, S. \(2021\). Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of Commercial Banks. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems \(pp. 693-697\). <https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508208>](#)
25. [Khudoyorov Oybek Odilovich \(2020\). Solution of problems on the development of banks' off-balance operations, SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 2020, Systems \(pp. 44-48\). <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:sjbir&volume=9&issue=3&article=004>](#)
26. [O. Khudoyorov, N Ernazarov \(2020\). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - Journal of Critical Reviews, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712>](#)
27. [Имомқулов, Т. Б. \(2022\). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. Journal of new century innovations, 6\(1\), 57-66.](#)
28. [Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy, \(2020\). Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering and Management, Volume 83, 1733-1743 <http://www.testmagazine.biz/index.php/testmagazine/article/view/3815/3347>](#)
29. [Bozorov, I. S., & Haitov, A. B. \(2019\). Formation of effective system of the mechanism of financing of the small business in the Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 \(74\), 207-210. <http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.06.74.22>](#)
30. [Imomkulov, T. B. \(2020\). Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. European Journal of Business and Management, 12\(5\), 51-54. <https://core.ac.uk/download/pdf/304991376.pdf>](#)

31. Имомкулов, Т., Латипова, Ш. М., & Ходжимамедов, А. А. (2018). ПРОБЛЕМЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 277-282). <https://elibrary.ru/item.asp?id=36364226>